

## ЎБЕКИСТОНДА АГРАР СЕКТОР ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОИЛЛАРИ

Рузметов Даврон Иброгимович  
Урганч давлат университети таянч докторанти  
E-mail: [ejournal.urdu@gmail.com](mailto:ejournal.urdu@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимиз аграр секторнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти, ривожланган мамлакатларда ҳозирги кундаги ҳолати ҳамда аграр сектор ва қишлоқ хўжалиги тушунчаларининг ўзаро луғавий фарқи таҳлил қилинган. Илмий таҳлилий натижаларига кўра аграр секторни ривожлантириш юзасидан ҳулосалар тақдим қилинган.

**Калит сўзлар:** аграр сектор, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, экспорт, агрокластер, янги иш ўринлари.

**Abstract.** This article analyzes the role and importance of the agricultural sector in the economy, the current situation in developed countries and the lexical differences between the concepts of the agricultural sector and agriculture. According to the results of scientific analysis, conclusions on the development of the agricultural sector are presented.

**Keywords:** agricultural sector, agriculture, small business, export, agrocluster, new jobs.

### Кириш

Аграр сектор тараққий этмаган дунёнинг ҳар қандай ривожланган мамлакатини иқтисодий ривожланишини тасаввур этиш жуда қийин Чунки фуқароларнинг фаровонлик даражаси маълум бир давлат иқтисодиётининг аграр секторининг ривожланишига боғлиқ. Аграр сектор ривожланиши орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакат аҳолисини ҳаёт сифати ва соғлиғи учун фойдали бўлган маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлаш тизими тараққий этади. Бундан ташқари қишлоқ аҳолиси учун иш ўринлари сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқлари, жумладан аграр соҳада ҳам янгиланиш, ривожланишнинг янги йўналишлари кенгаймоқда. Янги ўзгаришлар қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошишига олиб келмоқда. Шу билан бир вақтда мамлакатимизда қабул қилинган аграр соҳа тармоқларини, шунингдек, қишлоқ хўжалигини узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси, мамлакатимизда ер – сув, меҳнат, техника ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, агросаноат тармоқларига инвестициялар жалб этишини кучайтиришни талаб этмоқда. Айниқса бутун аграр сектор амалиётига янги кириб келаётган агрокластерларни ривожлантириш ва кооператив муносабатларни қўллаб – қувватлаш, ахборот – коммуникация технологиялари ҳамда бозор механизмларини илмий – назарий тушунча ва тамойилларини ҳаётга кенг жорий этиши зарур. Бу эса аграр сектор ва унинг узвий қисмлари ўртасида ўзаро муносибликни таъминлашдек мураккаб тадқиқот ишларини бажаришни таъқозо этади.

Иқтисодиётнинг аграр сектори турли фаолият турлари билан ифодаланади. Ўзбекистон иқтисодиётида барча соҳалари каби аграр сектор жуда муҳим рол ўйнайди. Ҳозирда ушбу сектор тараққий этиши учун бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган ва ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда. 2019 йил 17 апрельдаги ПФ-5708-сонли “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 23 октябрь, пф-5853-сон “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Президент Фармонларини давлатимизда аграр сектор тараққиёти учун катта замин бўлиб хизмат қилади [1, 2].

Шу билан бир вақтда ривожланган хорижий давлатларда илғор фан ва технологияларнинг мамлакатимизга кириб келиши аграр сектор тармоқлари ва мажмуаларини бошқаришга янгича ёндашув ва усулларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу билан бир қаторда соҳада қўлланилаётган тушунча ва атамалар ўртасида ўзаро номувофиқликлар кузатилмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиз аграр сектори ва у билан боғлиқ соҳалар ўртасидаги тушунчаларнинг илмий – амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва таққослаш ҳозирги даврда ўта долзарб муаммолар қаторига киради. Шунинг учун олиб ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади – хорижий тажрибалар асосида аграр секторнинг ҳозирги шаклланган таркибий тузилиши ва унинг асосий тушунчалари мазмун – моҳиятининг ўзаро мувофиқлигини илмий – амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳисобланади [3].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бир қатор хорижий мутахассислар ва юртимиз олимлари иқтисодиётнинг аграр сектори ва унга бевосита алоқадор булган соҳалар илмий назарий асосларини ўз илмий изланишларида кўрсатиб ўтганлар. Жумладан Анищенко А.Н., Газимагомедова Ф. Р., Титова Л.П. Михайлов А.Г. Питерская Л.Ю. (Россия Федерацияси), Калинин Н. В., Кошиль А.М. (Украина), Ю.Юсупов, М.Қ.Пардаев, Н.Хушматов (Ўзбекистон) ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

Россия ФА академиясининг профессори А.Н.Анищенко раҳбарлигида [4] олиб борилган тадқиқотларда Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва аграр сектор тармоқларини суний ва ақилли интеллект орқали бошқариладиган стратегик режалаштиришга ёндашув асосланган. Шунингдек, ушбу муаллиф ишида қишлоқ хўжалигини ақилли технологияларни қўллаш орқали йўналишлар таҳлил қилинган ҳамда унинг ривожланиш тенденцияларига ва рақобатбардошлигига баҳо берилган.

Ф. Р.Газимагомедова ва бошқа муаллифлар илмий ишларида аграр секторда ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятлари ва ишлаб чиқариш ўсишини тўхтатувчи салбий омиллар чуқур таҳлил қилинган [5].

Михайлов А.Г. таърифига кўра аграр сектор ўзига хос хусусиятлари уни барча даражаларда ва барча жабҳаларда иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси сифатида ажратиб кўрсатиш учун етарлича аҳамиятга эга. Шундай қилиб, тадқиқотчилар олдида турган асосий амалий масала - бу қоидаларни белгилаш, уларга риоя қилиш аграр секторнинг бошқа тармоқлар билан энг самарали ўзаро таъсирини ва унинг энг жадал ривожланишини кўрсатади [6].

Бойко Е.А., ва Питерская Л.Ю. ўз изланишларида иқтисодиётнинг аграр секторида кичик бизнеснинг ролини кўриб чиқишга бағишланган. Қишлоқда кичик бизнесни ривожлантиришга, мамлакатимизда рўй бераётган бозор ўзгаришлари шароитида агросаноат мажмуасини изчил ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилаётганига қизиқиш ортиб бораётгани билан боғлиқлиги ёритилган. Ҳозирги ривожланиш босқичида аграр сектор бутун миллий иқтисодиётнинг ўсиш омилларидан бири сифатида тан олинган. Муаллифлар қишлоқ хўжалигида кичик

бизнесининг хусусиятларини кенг ёритишган ва тадқиқот натижалари асосида унинг аниқ контсептсияси келтиришган [7].

Украиналик профессор Н. В. Калинин олимлар томонидан иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда мавжуд ёндашувларни таҳлил қилган. Жумладан ривожланган жамиятларда стратегия турли ҳажмдаги ва биринчи навбатда кичик фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашни назарда тутганлиги кўрсатилган. Украинада, аксинча, тескари вазиятни кузатиш мумкин - давлатнинг саъй-ҳаракатлари йирик корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган деган карашларни билдирган [8].

Мамлакатимиз олимларидан Ю.Юсупов юртимизда аграр сектор давлат томонидан бошқариладиган энг йирик соҳа эканлигини ва катта исоҳатларга муҳтож эканлигини таъкидлаб ўтган. Жумладан аграр секторда фаолият юритаётган дехқон ва фермер хўжаликлари ўз махсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан мулохаза юритган [9].

М.Қ.Пардаевнинг илмий тадқиқот ишида иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтишда иқтисодиётнинг аграр секторидан тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги таъкидланган [10].

Н.Хушматовнинг аграр секторни модернизация қилиш ва уни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тармоқдаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш соҳасидаги кўплаб муаммолар ва масалалар ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр билдирилган [11].

Юқорида келтирилган тадқиқотчи олимларнинг барча таҳлил натижалилалари аграр сектор ҳар бир мамлакатда ўзига хос равишда ривожланаётгани ва хали ушбу соҳани ривожлантириш учун анчагина ишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси аграр тизимига давлат томонидан катта субсидия ва кредит маблағлари ажратилаётганига қарамадан ушбу соҳа муаммоларини ҳал этишда етарли даражада ишлар олиб борилмаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу секторда кичик ва хусусий тадбиркорлик роли ва ахамиятини ошириш ҳамда ушбу сектор ривожланишида инновацион ёндашув зарурлигини таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкин.

### **Тадқиқот методологияси**

Аграр секторнинг ҳозирги шаклланган таркибий тuzилиши ва унинг асосий тушунчалари мазмун – моҳиятининг ўзаро мувофиқлигини илмий – амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва хорижлик олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омилли таҳлил, норматив ва позитив таҳлил ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қилишдан олдин ривожланган бир қатор мамлакатларда аграр сектор ҳолатини таҳлил қилиб ўтишни жоиз деб топдик.[12].

### **Қозоғистон ва Белоруссиянинг аграр сектори;**

Қозоғистон аграр секторидан сўнгги ўн йилликда ижобий динамика устунлик кузатилмоқда. Бироқ, қурғоқчилик даврида ғалла ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетди, бу эса ушбу фаолият соҳасидаги умумий вазиятни бироз оғирлаштирди.

Қишлоқ хўжалигида барқарор молиявий натижалар кузатилмоқда. Сўнги пайтларда ялпи ғалла ҳосили ортди. У юқори экспорт салоҳиятига ега (7 миллион тоннадан ортиқ).

Чорвачиликда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мамлакатда қорамол ва паррандалар сони ортиб бормоқда. Қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. Қозоғистон қишлоқ хўжалигининг асосий муаммоси унинг техник ва технологик янгиланишининг етарли емаслигидир.

Беларус аграр сектори ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ўсиш динамикаси билан ажралиб туради. Мамлакатдаги оғир иқтисодий вазиятга қарамай, давлат озиқ-овқат хавфсизлиги миллий дастурларини ишлаб чиқишга катта маблағ ажратмоқда.

Беларус МДҲ мамлакатлари орасида қанд лавлаги ва техник экинларни сотиш бўйича етакчи ўринни егаллайди. Қайта ишлаш саноатида сут ва гўшт етиштириш устунлик қилади.

### **АҚШ аграр сектори;**

АҚШ аграр сектори дунёда энг ривожланган давлатдир. У дунёнинг энг йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ва экспортчидир.

Бу мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилиш давлатнинг доимий назоратида амалга оширилмоқда. У агробизнесни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқади. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, АҚШ ҳукумати фермерларнинг юқори даромадларини сақлаб қолиш, уларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш, қишлоқ жойларда ривожланган инфратузилмани яратиш ва уларнинг маҳсулотлари бозорларини кенгайтириш учун турли чораларни қўллайди. Давлат протекционизми аграр секторни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бунда АҚШда фаол фойдаланилаётган фан-техника тараққиёти ютуқларининг ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу мамлакат қишлоқ хўжалигида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бошланди, бу кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконини берди. Био-энергетика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар қуриш дастурлари жорий этилмоқда. Био-ёқилғидан фойдаланиш экологик тизимнинг муҳим элементи этиб белгиланган.

Қўшма Штатларда бошланғич фермерлар учун ажратилган грантлар ва субсидияларнинг ривожланган тизими мавжуд. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш дастурлари қишлоқ аҳолисини яшаш жойларида самарали ишлашга ундайди.


### **Хитой аграр сектори;**

Хитой аграр секторида сезиларли ўзгаришларни амалга оширилди. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техник таъминлаш ва инновацион ресурсларни тежовчи технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ.

Бу мамлакат ҳукумати қишлоқларда яшаш ва меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бу қишлоқ аҳолисининг даромадлари даражаси шаҳар аҳолисининг даромадлари даражасига яқин бўлган кам сонли мамлакатлардан биридир. Бу деҳқон оилалари учун имтиёзлар жорий этилиши туфайли мумкин бўлди. Бундан ташқари, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат томонидан катта маблағ ажратилди.

Хитойда юқори қувватга эга қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги турлари фаол қўлланилмоқда. Бундан ташқари, у ерда сувни тежайдиган тупроқ суғориш технологиялари қўлланилмоқда. Буларнинг барчаси ем-хашак экинларидан юқори ҳосил олиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сектор роли ва ахамиятини баҳолаш, мамлакатимизда аграр сектор ҳамда унга боғлиқ мажмуалар ўртасида тушунчаларнинг илмий – амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва таққослаш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.



### **1-расм Ўзбекистон аграр сектор таркибий тузулмаси.**

*Манба: Муаллиф ишланмаси.*


Ўзбекистонда аграр сектор ўзаро боғлиқ равишда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига бўлинади. Ишлаб чиқариш тармоғи ўз ичига озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, ўрмон хўжалиги саноати ҳамда балиқ хўжалиги саноатларини ўз ичига олса, хизмат кўрсатиш тармоғи ўз номига мутаносиб равишда сув хўжалиги ва мелиорация, қишлоқ хўжалик машинасозлик саноатини, қишлоқ қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларини касбга ўқитиш ва қайта тайёрлашни ўз ичига олади.

Ушбу соҳалар ўзаро мутоносибиги билан макро ва микро даражаларга бўлиб ўрганиш аграр сектор тушунчасига янада ойдин таъриф беришимизга замин яратади. Ўз навбатида аграр секторнинг микро даражаси ўз ичига дехқон ва фермер хўжаликларини, агро фирма ва қишлоқ хўжалик кооперативларини, ўрмон ва балиқ хўжаликларини, Қишлоқ хўжалик корхоналари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ҳамда агросаноат кластерини ўз ичига олса, макро даражада қишлоқ хўжалигини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ички бозорини ўз ичига олади. Буни қуйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин.





хўжалиги соҳасига янги қўлланилаётган агрокластерларни ривожлантириш ҳамда кооператив муносабатларни тараққий эттириш, замонавий инновацион аграр технологияларни ҳамда бозор механизмларини илмий – назарий тушунча ва тамоийларини ҳаётга кенг жорий этиши зарур. Ўз навбатида бу аграр сектор ва бошқа соҳалар билан ўзаро мутаносибликни таъминлашдек мураккаб тадқиқот ишларини бажаришни таъқозо этади. Аграр сектори ривожланган мамлакатлар илғор технологияларнинг кириб келиши ушбу сектор барча соҳалари ҳамда мажмуаларини рационал бошқаришга янгича ёндашув ва усулларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шунингдек аграр секторда қўлланилаётган атамалар ва тушунчаларда турли қарашлар намоён бўлмоқда.



**3-Расм. Аграр секторда қишлоқ хўжалиги тармоқлар таркиби ва тоифалари бўйича таснифи**

*Манба: Муаллиф ишланмаси*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини органик сифатли қилиб етиштириш масаланинг бир томони бўлса ушбу маҳсулотларни ўз эгаларига сифатли етказиб бериш яна бир муҳим томони эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу маҳсулотларни етиштиришда замонавий иновацион усулларни қўллаш ҳамда ишни тўғри ташкил этиш жуда муҳим ҳисобланади. Мамлакатимиз аграр сиёсати ушбу секторда кичик ва хусусий тадбиркорликни кўллаб қувватлаш орқали янада ривожлантиришга қаратилган. Хусусан Европа Иттифоқи аграр секторда кичик ва хусусий тадбиркорликни озиқ-овқат ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун Ўзбекистонга 11 миллион евро ажратди. Бу 2020 йил 1-чорагидан буён ажратилган учинчи молиявий кўмак саналади. [13] Шу тариқа Европа Иттифоқи томонидан ажратилган грант миқдори 32 миллион еврога етди. Ўтган йили қишлоқ жойларда яшовчи эҳтиёжманд тоифанинг яшаш кўрсаткичини ошириш ҳамда соҳа бўйича ҳукумат ислохотларини қўллаб-қувватлашга қаратилган грант кўмагини ажратиш жараёни COVID-19 пандемияси сабаб тезлаштирилган эди. Янги лойиҳа Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар томонидан фермерлар, агрокорхоналар ҳамда илмий доираларга кўмак мақсадида амалга оширилаётган бошқа лойиҳаларнинг мантиқий давоми саналади. Аграр

сектордаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, озиқ-овқат ва тўқимачилик каби соҳаларда бандликни таъминлаш имконияти юқори. Бу нафақат муносиб иш ўринлари яратиш ва хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг пул топиши учун барқарор имкониятларни пайдо қилиш жиҳатидан, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда масъулиятни ҳис этадиган озиқ-овқат тизимини вужудга келтириш жиҳатидан ҳам муҳимдир. Европа Иттифоқи аввалгидек ҳукуматнинг иқлим ўзгаришларини инобатга олган ҳолда яшил ва барқарор аграр секторини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларини қўллаб-қувватлашга интилоқда. Ўзбекистонга Европа Иттифоқининг савдо соҳасидаги преференциялар тизимидан кенгайтирилган тартибда фойдаланиш ҳуқуқи берилган эди. Мазкур тизимдан тўғри ва самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар Европа Иттифоқида божсиз экспорт қилиш имконига эга бўлиши мумкин.

Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистон бюджетига ажратилаётган грант мамлакат ҳукумати билан битимга асосланади. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган агросаноат тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга, пировардида эса молия, бюджет тизими бошқарувида шаффофликка эришишга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги тадқиқодлардан келиб чиқилган ҳолда мамлакатимизда аграр секторни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклиф ва хулосаларга келинди.

1. Аграр секторда кичик ва хусусий тадбиркорлик улушини ошириш орқали ушбу секторда давлат аралашувини кескин камайтириш.

2. Логистика хизматларига янада катта имтиёзлар яратиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида нес-нобуд қилмасдан харидорига етқазиб бериш.

3. Аграр секторга янги илмий инновацион ишланмаларни тадбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш айниқса янги инновацион усулар билан ёндошган тадбиркорлик субъектларга имтиёзлар бериш орқали ушбу соҳани янада ривожлантириш.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини тўғри йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорларнинг етиштирган маҳсулотларини ортиқча оворагарчиликларсиз импортёр давлат талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўз вақтида етқазиб бериш мақсадида ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан амалга оширилаётган ишларни танқидий кўриб чиқиш ва янги механизмларни жорий этиш.

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишгача бўлган давирни ўз ичига олган ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун янги булган агрокластер ташкил этишни янада рағбатлантириш.

Аграр сектор иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаси эканлигини тадқиқот ва таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкин. Ушбу соҳани ривожлантиришдан, доим янги инновацион ёндашувларни қўлламасдан мамлакатнинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2019 йил 17 апрельдаги ПФ-5708-сонли “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонларини.



2. 2019 йил 23 октябрь, пф-5853-сон “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Президент Фармонларини.

3. Амиров Л.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр сектори ва унинг асосий Тушунчалари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil 4/2020 (№ 00048) <http://iqtisodiyot.tsue.uz> 195-202, betlar.

4. Анищенко А.Н. «Умное» сельское хозяйство как перспективный вектор роста аграрного сектора экономики России // Продовольственная политика и безопасность. – 2019. – Том 6. – № 2. – С. 97-108. – doi: [10.18334/ppib.6.2.41384](https://doi.org/10.18334/ppib.6.2.41384).

5. Газимагомедова Ф.Р. Реформирование аграрного сектора экономики // Вестник Евразийской науки, 2019 №2, <https://esj.today/PDF/38ECVN219>.

6. Михайлов А.Г. Аграрный сектор России начала XX века: методы стабилизации и обеспечения функционирования Современные проблемы науки и образования. – 2008. – № 2 – С. 130-135

7. Бойко Е.А., Питерская Л.Ю. VII Международная научно-практическая конференция «Актуальные направления научных исследований: перспективы развития»

8. Н.В.Калинчик, Стратегия развития аграрного сектора экономики Украины: существует ли она? ефективна економіка № 10, 2013

9. ЮЮсупов Ўзбекистон аграр сектори: асосий муаммолар, хусусиятлар, ислохатлар зарурати. 25.03.2019 й. [https://cabar.asia/ru/uzbekiston-agrar-sektori-\[9\].asosij-muammolar-hususiyatlar-islo-otlar-zaruriyati](https://cabar.asia/ru/uzbekiston-agrar-sektori-[9].asosij-muammolar-hususiyatlar-islo-otlar-zaruriyati)

10. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш / Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари. – 2015, 22 б.

11. Хушматов. Н., Файзуллаева Т. “Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш асослари” // Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. №1. – Б. 46

12. <https://www.agroprod mash-expo.ru/ru/ui/17130/>

13. <https://www.xabar.uz/jamiyat/evroittifoq-ozbekiston-agrar-sektoriga>